

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЖАСОРАТ КЎРСАТГАН
ЎЗБЕК АЁЛИ

Ташева Сурайёхон Тухтабаевна

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар давлат музейи
илемий ходими

Аннотация: Ушбу мақола 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида кўпмиллатли Ўзбекистон халқи жанг майдонларида ва фронт ортида улкан жасорат ва матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган галабани таъминлашга муносиб ҳисса қўйған ўзбек аёл қаҳрамонимиз ҳақида ёзилган.

Калит сўзлар: Ватан, уруши, Зебо Фаниева, душман, жасорат, ўзбек, галаба, қаҳрамон, меҳнат, ёрдам, мерган ўқчи, Москва, самалёт, аёл, фронт.

Урушда меҳнат фронтидаги асосий қийинчилик фронт орқасида қолган хотин-қизлар, вояга етмаган ёшлар, қўлига қурол ушлашга қодир бўлмаган қариялар зиммасига тушди. Улар ғалаба учун зарур бўлган ҳамма нарсани фронтга етказиб берибгина қолмай, ўзлари шинел кийиб жангга ҳам отландилар.

Урушнинг дастлабки қунларидан хотин-қизлар ихтиёрий равишда 4 555 нафар қизлар бевосита жанг майдонларида бўлиб, ғалабага катта улуш қўшдилар. Уруш қатнашчиси бўлган З.Фанийева, О.Санфирова, Е.Стемпковская, Н.Иброҳимова, А.Мукаррамова, Ф.Рамазонова, опа-сингил Фиёсовалар, Р.Алимова, А.Қаландарова, М.Самадова, М.Сайджонова, С.Давронова, Я.Рахматова, У.Шокирова, М.Омонова, С.Рўзийева, С.Камолова, Х.Усмонова, С.Мажидова, А.Мухаррамова, Ф.Рамазонова, З.Польонова, Г.Муҳаммаджонова, З.Ҳасанова, Ш.Каримова, Ш.Аҳмедова, С.Сайдова, М.Хотмулина, О.Зубарева, М.Умархўжайева, В.Захарова, Е.Нахейман, Р.Иброҳимова, М.Ешонхужайева, Р.Муминова, С.Кубланова, А.Пихтейева ва шунга ўхшаш қўплаб марди-майдон қизлар исм-шарифларини келтириш мумкин. Уларнинг аксарияти шифокорлар, разведкачилар, алоқачилар, ўқчилар сифатида хизмат қилишган.

Зебо Фаниева. 1923 йили 20 августда туғилди. Отаси Озарбайжон, онаси ўзбек аёли эди. 1937 йили 14 ёшида Зебо Тошкентга ўқишига келади ва Ўзбекистон филармониясининг хореография бўлимида таҳсил олади. 1940 йили Тошкентдан Москвага бориб, машҳур Театр санъати Москва давлат институтининг актёрлик



факультетига ўқишига киришга мұваффақ бўлади.

Москвадаги Луначарский номидаги давлат театр санъати институтида ўқиётган эди. Санъаткор бўламан, деб ният қилган нозик табиатли ўзбек қизини қонли уруш ва ана шу даврдаги шафқатсиз муҳит ўз қонун-қоидаларига бўйсундирди. Уруш бошланганини эшитган Зебо санъаткорлик олий ўқув юритидаги ўқишини ташлаб, ўқни душман ақли ва қалбига бехато теккизишда ёрдам берадиган снайперлар мактабига кириб ўқийди.

Мерган ўқчи маҳоратини ўрганган Зебо Фаниева урушнинг биринчи кунларидаёк минглаб совет ёшлари каби кўнгиллилар қаторида фронтга ёзилади. 1941 йили 3-Москва Коммунистик дивизия қўшинлари таркибида Қизил майдонда ўтган ўша машхур парадда иштирок этади. Ҳарбий намойишдан сўнг Москва марказидаги Бош майдондан тўппа-тўғри фронтга жўнайди.

Кўнгли нозик, санъатга мойил Зебо давр талаби билан мохир снайпер, разведкачи бўлиб етишди. Уруш йиллари 16 марта разведкага бориб, душман тўғрисида қимматли маълумотлар олиб келади. 1942 йил 23 май куни узоқдан туриб отадиган оптика дурбини ўрнатилган милтигини Ленинград вилоятининг Молвотицкий районидаги Катта Врагово қишлоғида жойлашган немис гарнизони томонга қаратиш буйруғини олади. 19 ёшли ўзбек кизи 9 мерган снайпер аскар қаторида жангдан сўнг ортига қайтаётган душман танкчиларини ўққа тутади. Зебо милтигини тиззасига қўйиб олиб бирин-кетин 6 фашистни ер билан яксон қилади.

Шу пайтда қўшни йўналишда оғир ахволга тушиб қолган кичик лейтенант Марченко штаб раҳбариятидан зудлик билан ёрдам беришларини сўраётган эди. 130 - ўқчи дивизиясининг 528 - ўқчи полки командири майор Павлов буйруғи билан Зебо Фаниева 15 нафар мерган жангчи қаторида лейтенант Марченкога ёрдамга келади. Мерганлар гуруҳи йўлда уйлар вайронаси ортига беркиниб олган душман автоматчисининг ўқларига дуч келади.

Зебо автоматдан тинмай ўқ ёғдираётган душман орқасидан ўтиб, уни отиб ўлдиради. Шу пайтда жангчиларимиз боши узра душман миномётдан яна снарядлар ёғдира бошлайди. Портлаётган снаряд парчаси Зебони ёнбошидан жароҳатлайди. Яхшиямки, Зебо бошлиқ мерганлар гуруҳи лейтенат Марченко жангчиларига ёрдамга келиб улгуришган эди. Душман қишлоқдан қувиб чиқарилади.

Биқинидан жароҳат олган кичик лейтенант Зебо Фаниева тишини тишига қўйиб, қуролдош дўстлари Нина Соловей, Федор Кириллов ва Яков Коляколарни жанг майдонидан олиб чиқишига улгуради. Оғир ярадор бўлган 19 яшар Зебо самолётда даволаниш учун Москвага жўнатилади. Госпиталда Зебонинг қони заҳарланганлиги маълум бўлади. Узоқ пайт ўлим билан курашади, нихоят, уни даволаб оёққа қўйган катта ёшдаги ҳамшира аёл гўзал ўзбек кизи Зебога қараб: “Ҳар қандай аёл болани ўзида 9 ой олиб юради-я, мен сени 11 ой, боқдим-а, болам”, деб 14 ёшида етим қолган Зебони бағрига босади. 1942 йилнинг 12 апрелидан 23 майига қадар 151 алоҳида мотоўқчилар разведка батальони разведкачи-мергани Зебо

Фаниева Чёрное, Лунево, Ожесцы ва Дягилево қишлоқлари атрофида 20 нафар, айрим маълумотлар бўйича 21 нафар душман офицери ва снайперини ўлдиради.

Зебо Фаниева урушдан кейин меҳнат фронтида ҳам хормай-толмай хизмат қилди. Собиқ Иттифоқнинг Туркия элчихонасидаги муваққат ишлар вакили Тофик Қодировга турмушга чиқди. Улар Марат Қодиров исмли фарзанд кўрдилар. Зебо тарих фани билан шуғулланди, филология фанлари номзоди, шарқшунослик фанлари доктори, профессор унвонларига сазовор бўлди. 1956 йилдан СССР “Фанлар академияси” нинг “Шарқшунослик” институтида илмий ходим бўлиб ишлади.

Зебо Фаниева “Москва мудофааси учун”, “Қизил байрок”, “Қизил юлдуз” орденлари, 1985 йили Иккинчи жаҳон урушининг 40 йиллиги муносабати билан

“Ватан урушининг 1-даражали ордени” билан мукофотланди.

Машҳур рассом Тоир Салахов билан бўлган сухбатда Зебо Фаниева унга: “Мен 129 фашистни ўлдирганман”, деб айтган эди. Москва остоналарида, шунингдек, ўзбекистонлик мерғанлар Исоқов 354, Абубеков 229, Юсупов 132, Мадаминов 123 фашист аскар ва зобитини ер тишлатдилар.

“Москва мудофааси учун” медали билан 1753 нафар ўзбекистонлик жангчи мукофотланди. Москва ёнидаги жангда душман тор-мор этилди. Бу Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан буён ўтган икки ярим йил мобайнида советларнинг биринчи йирик ғалабаси, фашистларнинг эса дастлабки йирик мағлубияти эди. Бунга ўзбек жангчиларининг, ўзбек халқининг қўшган ҳиссаси ҳам бекиёсdir.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР :

1. “Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси”. 1941-1945 (Илмий-назарий конференция материаллари). Тошкент:1996.
2. “Ўзбекистонлик Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари” - Тошкент: “Шарқ”, 2020. - 416б.
3. “Ўзбекистон Республикаси Хотира китоби” - “Книга памяти Республики Узбекистан (маҳсус жилд), Тошкент:1995.
4. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” (4-том). Давлат илмий нашриёти.Тошкент: 2002.
5. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртлари лицей ва коллаж талабалари учун ўқув қўлланма) Fafur Fulom номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. Тошкент: 2015-йил.
6. Ўзбекистоннинг янги тарихи 2-китоб (Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида). Тошкент: 2000.
7. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар): Академик лицей ва касб-хунар коллажлари 1-босқич ўқувчилари учун дарслик / Масъул мұхаррир: Қ. Ражабов.- Тошкент.: “Шарқ”.

3– SON / 2022 - YIL / 15 - NOYABR

8. Мирзиёев Ш.М. Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига багишланган тантанали маросимдаги нутқ. Тошкент.: 2020 йил 9-май